**Банк** (тижорат банки) – банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

**Банк филиали** – банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

**Давлат улуши мавжуд банклар** – устав капиталида давлат улуши камида 50 фоизни ташкил этган банклар.

**Микромолия ташкилоти** – микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс

**Ломбард** – шахсий истеймолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) зақалат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

**Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** – молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

**Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)** – банк филиали биносидан ташқарида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси. Банк хизматлари офиси турли хил номланиши (“Мини-банк”, “Чакана хизматлар маркази”, “Банк хизматлари маркази” ва бошқалар) мумкин.

**24/7 шохобчалари** – жисмоний шахсларга уларнинг миллий валютадаги ва халқаро пластик карталаридан нақд пул ечиш, миллий валютадаги пластик карталарини нақд пулда тўлдириш, шунингдек турли тўловларни амалга оширишлари бўйича узлуксиз (куну-тун) хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган, банк филиали биносидан ташқарида жойлашган дастурий техник воситалар.

### 5.1.2-жадвал. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда давлат улуши мавжуд бўлган ва давлат улуши бўлмаган банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, шу жумладан уларнинг активлари, кредитлари, депозитлари ва капитали ҳажмлари динамикаси, шунингдек ушбу кўрсаткичларнинг чет эл валютасидаги қисмининг миллий валютадаги эквиваленти келтирилган.

**Активлар** – кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Марказий банк ва бошқа банклардаги маблағлар, инвестициялар, қимматли қоғозлар, кредит қўйилмалари, лизинг ва факторинг операциялари, асосий воситалар ва номоддий активлар, активлар бўйича ҳисобланган фоизлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, валюта позициялари, банкнинг бошқа хусусий мулклари ва бошқа активлар.

**Кредитлар** (кредит қўйилмалари) – мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга, Ҳукуматга, бюджет ташкилотларига, бошқа тижорат банкларига, жисмоний шахсларга, яқка тартибдаги тадбиркорларга кредит бериш қоидаларига ҳамда кредит шартномасига мувофиқ ажратилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, улар билан амалга оширилган (Ҳукумат, бюджет ташкилотлари ва жисмоний шахслар бундан мустасно) лизинг ва факторинг операциялари.

**Депозитлар** – Ҳукумат ва турли даражадаги бюджетлар қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича, бюджетдан ташқари фондларнинг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик ширкатлари

ва жамиятларнинг, жисмоний шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва бошқа миждозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлари, банклар томонидан чиқарилган жамғарма ва депозит сертификатлари.

**Капитал** (хусусий капитал) устав капиталидан, қўшимча капиталдан, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

### 5.1.3-жадвал. Банк тизими кўрсаткичларининг ЯИМга нисбати

Мазкур жадвалда банк тизими кўрсаткичлари, хусусан банк активлари, кредит қўйилмалари, депозитлар ва капиталнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбати келтирилган.

Жадвалнинг қолган кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

### 5.1.4-жадвал. Банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Мазкур жадвалда банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган.

Банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) билан тартибга солинади.

**Регулятив капитал** – банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали.

Регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат.

**I даражали капитал** I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитални ўз ичига олади.

**I даражали асосий капитал** банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги ва ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

а) банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари ёки банк акциядорлик жамиятидан бошқа шаклда ташкил этилганда оддий акцияга тенглаштирилган воситалар;

б) қўшилган капитал – оддий акциялар биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) тақсимланмаган фойда (зарар):

банк балансидаги аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган капитал захиралар ва бошқа захиралар (текинга олинган мулклар ва асосий воситалар ҳамда номоддий активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси бундан мустасно);

тўланмаган дивиденд суммасидан ташқари ўтган йиллардан қолган тақсимланмаган фойда;

ўтган йиллардаги қопланмаган зарарлар ва жорий йил зарарлари;

г) озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади;

д) девальвация захираси. Бу захира сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлардан шаклланади.

**I даражали қўшимча капитал** ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) тўлиқ тўланган нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар;

б) қўшилган капитал – имтиёзли акцияларнинг биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар,

шунингдек озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари (олдинги қисмининг “Г” бандига киритилганлар бундан мустасно).

## **II даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:**

а) жорий йилдаги соф фойда, банкнинг оралик молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтган бўлса – тасдиқланган молиявий натижаларидан кўп бўлмаган миқдорда, акс ҳолда банк ҳисоботидаги соф фойданинг 50 фоизи;

б) чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги стандарт кредитларга (активлар) яратиладиган захиралар;

в) чегирмалардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали хусусиятларига эга бўлган воситалар);

г) субординар қарз – бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

гаров таъминотига эга бўлмаслиги;

банк тугатилаётганда депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари қондирилганидан сўнг ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар қондирилиши;

бошланғич тўлов муддати 5 йилдан кейин бўлиши;

қарздор банк ёки унга алоқадор шахслар томонидан бошқа активларга кафолат ва таъминот сифатида қўйилмаган, шунингдек банк тугатилган тақдирда ҳеч қандай шартнома билан унинг тўлаш навбати (субординацияси) ўзгартирилмаган, яъни банк депозиторлари ва кредиторлари талабларига тенглаштирилмаган бўлиши;

муддатидан аввал Марказий банкнинг рухсати билан қайтарилиши.

д) активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммасининг 45 фоизи миқдори.

**Капитал етарлилиги кўрсаткичи** (регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти) регулятив капитал суммасининг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

**Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси** чегирмалар ажратилган ҳолда таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

**I даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи** I даражали капитал суммасининг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

### **5.1.5-жадвал. Банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари**

Мазкур жадвал маълумотлари тижорат банклари томонидан ликвидлилик кўрсаткичларига қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳолатини кўрсатади.

Ликвидлилик кўрсаткичларига қўйилган талаблар “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) билан тартибга солинади.

**Ликвидли активлар** – қиймати бозорда шаклландиган, бозор қиймати бўйича қисқа муддат ичида уларни сотиб олишга осонлик билан харидор топиладиган, доимий равишда кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз сотилувчи ва сотиб олинувчи активлар.

**Юқори ликвидли активларга қуйидагилар киради:**

нақд пуллар;

соф қуйма олтин;

Ҳукуматнинг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлар, бундан Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварағидаги маблағлар мустасно;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги “Standard & Poor’s”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s Investors Service” компанияларининг инвестицион рейтинг даражасига ёки Марказий банк томонидан тан олинадиган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга банкларга жойлаштирилган ликвидли активлар.

**Жорий ликвидлик коэффиценти** жорий активлар (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) суммасининг жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади ва у 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

**Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти** юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

**Соф барқарор молиялаштириш меъёри** барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасининг барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади ва у 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

жами капитал;

амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;

қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебель, компьютерлар ва автомашиналар);

суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

балансдан ташқари моддаларнинг 15 фоизи.

**Лаҳзали ликвидлик коэффиценти** банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ҳамда банкнинг Марказий банкдаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварағидаги маблағлар мустасно) суммасининг талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва у 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Талаб қилиб олингунча мажбуриятлар ҳисобварақлари рўйхати юқорида кўрсатиб ўтилган Низомнинг 3-иловасида келтирилган.

#### **5.1.6-жадвал. Банк тизими даромад ва харажатлари**

Мазкур жадвалда банк тизими даромадлари ва харажатлари динамикаси келтирилган.

**Фоизли даромадлар** – пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун олинган даромадлар бўлиб, уларнинг таркибига Марказий банк ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар, қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестициялар, кредитлар ва лизинг операциялари бўйича ва бошқа фоизли даромадлар киради.



Фоизли даромадлар ҳар қандай дисконт, мукофот ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд кредитнинг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

**Фоизли харажатлар** – пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланганлик учун харажатлар бўлиб, уларнинг таркибига жалб қилинган депозитлар, Марказий банк ва бошқа банкларнинг ҳисобварақлари, олинган кредитлар, чиқарилган қимматли қоғозлар ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари, банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича ва бошқа фоизли харажатлар киради.

Фоизли харажатлар ҳар қандай дисконт, мукофот ёки қарз қимматли қоғозлари ёхуд қарз маблағларининг бошланғич баланс қиймати билан уларнинг сўндириш суммалари ўртасидаги бошқа фарқларнинг амортизация суммасини ўз ичига олади.

**Фоизли маржа** – фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги фарқ.

**Фоизсиз даромадлар** – банк томонидан кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар, чет эл валютасидаги фойда, тижорат операцияларидан олинган фойда, инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳамда бошқа фоизсиз даромадлар.

**Фоизсиз харажатлар** – банк томонидан тўланган хизмат ва воситачилик харажатлари, чет эл валютасида кўрилган зарарлар, тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар, инвестициялардан кўрилган зарарлар ва бошқа фоизсиз харажатлар.

**Операцион харажатлар** – банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бўлиб, уларнинг таркибига ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар, ижара ва таъминот харажатлари, транспорт ва хизмат сафари харажатлари, маъмурий харажатлар, репрезентация ва хайрия харажатлари, эскириш харажатлари, суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни ва фойда солиғини баҳолаш ҳамда бошқа операцион харажатлар киради.

**Фоизсиз даромад (зарар)** – фоизсиз даромадлар билан фоизсиз ва операцион харажатлар ўртасидаги фарқ.

**Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш** – кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси.

**Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш** – бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси.

**Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)** – ҳисобот даврида банк молиявий фаолиятининг натижалари бўйича солиқ тўлангунга қадар олинган соф фойда (зарар) суммаси.

**Фойда солиғини тўлаш харажатлари** – олинган фойдага ҳисобланган солиқлар бўйича банк харажатлари.

**Фойда бўйича тузатишлар** – бухгалтерия тамойилларига асосан банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича бошқа ҳар қандай тузатишлар.

**Соф фойда (зарар)** – фойда солиғи тўлангандан ва фойда бўйича тузатишлар амалга оширилгандан сўнг молиявий фаолиятининг натижалари бўйича олинган соф фойда (зарар).

### **5.1.7-жадвал. Банк тизими даромадлилиқ кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалда банк тизими фаолиятининг даромадлилиқ кўрсаткичлари динамикаси келтирилган бўлиб, шунингдек активлар ва капитал даромадлилиги каби коэффициентлар акс эттирилган.

Жадвал кўрсаткичлари бўйича 5.1.6-жадвалга оид методологик шарҳларга қаранг.

### **5.1.8-жадвал. Банк тизимининг молиявий барқарорлиқ кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалда банк тизими молиявий барқарорлиқ кўрсаткичлари, шу жумладан банк капитали етарлилиги, активлар сифати, актив ва капитал даромадлилиги, ликвидлилиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар келтирилган.

**Регулятив капитал** – банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали.

**I даражали капитал** – чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитал йиғиндиси.

**Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси** – активлар баланс суммасини унга тегишли таваккалчилик миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланадиган активлар йиғиндиси.

**Жами кредитлар ва микроқарзлар** – кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар, банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича миқдорларнинг мажбуриятлари ва активлар бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси.

**Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар** – “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ва микроқарзлар.

**Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар** – муаммоли кредитлар суммасидан улар бўйича яратилган захиралар суммаси чегирилган кредитлар.

**Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача)** – ҳисобот даври ойлари охиридаги активлар миқдорининг ўртача арифметик суммаси.

**Жами капитал (давр учун ўртача)** – ҳисобот даври ойлари охиридаги капитал миқдорининг ўртача арифметик суммаси.

**Қисқа муддатли мажбуриятлар** – банкнинг 1 йил муддатгача бўлган мажбуриятлари.

**Соф очик валюта мавқеи** – банкнинг чет эл валютасида ифодаланган талаблари суммасининг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммаси ўртасидаги фарқи.

**Йирик таваккалчилик ҳажми** – банк I даражали капиталининг 10 фоизидан ошадиган таваккалчиликлар суммаси.

Жадвалнинг қолган кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 ва 5.1.4-5.1.6-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

#### **5.1.9-жадвал. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари**

Мазкур жадвалда тижорат банкларининг муаммоли кредитлари динамикаси жами банклар, шу жумладан давлат улуши мавжуд банклар ва давлат улуши бўлмаган банклар кесимида келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.8-жадвалга оид методологик шарҳларга қаранг.

#### **5.1.10-жадвал. Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалларда тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари бўйича таққослама кўрсаткичлар динамикаси жами банклар, шу жумладан давлат улуши мавжуд банклар ва давлат улуши бўлмаган банклар кесимида келтирилган.

**Мажбуриятлар** – талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлар, пластик карталардаги маблағлар, Марказий банк ва бошқа банкларнинг ҳисобварақлари, олинган кредитлар ва лизинг, Ҳукуматга тегишли даромадлар ва бошқа тушумлар, тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ва солиқлар, бошқарув (менежер) чеклари ва банкнинг тўланмаган акцептлари, РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар, банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва бошқа мажбуриятлар.

Жадвалнинг қолган кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.11-жадвал. Тижорат банклари жамланма баланси**

Мазкур жадвалда тижорат банклари жамланма бухгалтерия баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

**Активлар** – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари** – банклар ва уларнинг филиаллари кассаларида мавжуд бўлган нақд пул, банкнот, танга ва бошқа тўлов ҳужжатлари.

**Марказий банкдаги маблағлар** – банкларнинг банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Марказий банкка жойлаштирган бўш пул маблағлари, Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобварағига ўтказилган маблағлар ва бошқа депозитлар.

**Бошқа банклардаги маблағлар - резидентлар** – банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган банкларга жойлаштирилган маблағлар.

**Бошқа банклардаги маблағлар - норезидентлар** – банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият юритаётган банкларга жойлаштирилган маблағлар.

**Инвестициялар** – 1.1-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Қимматли қоғозлар** – давлат ва бошқа корпорацияларнинг қимматли қоғозлари номинал қолдиғи ёки банкларнинг тижорат фаолияти билан боғлиқ ҳолда сотиб олинган депозит сертификатлари.

**Кредит қўйилмалари** – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Асосий воситалар** – бу моддий активлар бўлиб, банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадларда улардан фойланилади. Асосий воситаларга бино, иншоотлар, ускуна ва асбоблар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари ва шу кабилар қиради.

**Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар** – активлар бўйича ҳисобланган (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар бўйича ҳисобланган), лекин ҳали олинмаган фоизлар.

**Банкнинг бошқа хусусий мулклари** – банк фаолияти билан боғлиқ мақсадларда ишлатиладиган банкка тегишли бўлган қўчмас мулклар ва бошқа хусусий мулклар ёки кредит ҳисоб-китоблари ва бошқа сабаблар туфайли банк томонидан ўзлаштирилган мулклар.

**Бошқа активлар** – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган активлар.

**Мажбуриятлар** – 5.1.10-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Депозитлар** – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Марказий банкнинг ҳисобварақлари** – Марказий банкнинг тижорат банкларида очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

**Бошқа банкларнинг маблағлари - резидентлар** – резидент банкларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

**Бошқа банкларнинг маблағлари - норезидентлар** – норезидент банкларнинг Ўзбекистон Республикасидаги банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлари.

**Олинган кредитлар ва лизинг** – Марказий банк ва бошқа банклардан, Ҳукуматдан, Молия вазирлиги ҳузуридаги ва бюджетдан ташқари жамғармалардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан ва бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, бошқа банклар ва лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар.

**Чиқарилган қимматли қоғозлар** – банклар томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар.

**Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар** – банк мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар.

**Бошқа мажбуриятлар** – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар.

**Устав капитали** таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради.

**Қўшимча капитал** акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини, шунингдек эквиваленти чет эл валютасида ифодаланган устав капиталини шакллантириш жараёнида юзага келадиган курс фарқини акс эттиради.

**Захира капитали** узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган инфляция захираларини, конун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда соф фойдадан ажратмаларни, шунингдек текинга олинган мол-мулкнинг қийматини акс эттиради.

**Тақсимланмаган фойда** фойданинг жамғарилаётганлигини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин. Шунингдек, 5.1.4-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.12-жадвал. Тижорат банклари фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда банклар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.2, 5.1.4 ва 5.1.6-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

#### **5.1.13-жадвал. Тижорат банкларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши**

Мазкур жадвалда банкларнинг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.2 ва 5.1.11-жадвалларга оид методологик шарҳларга қаранг.

#### **5.1.14-жадвал. Микромолия ташкилотлари жамланма баланси**

Мазкур жадвалда микромолия ташкилотларининг бухгалтерия жамланма баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

**Активлар** – кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, банклардаги маблағлар, кредитлар ва микролизинг, асосий воситалар, активлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва бошқа активлар.

**Кассадаги нақд пуллар** – кассадаги банкнот ва тангалар кўринишидаги нақд пул маблағлари.

**Банклардаги маблағлар** – банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар.

**Кредитлар ва микролизинг** – жисмоний шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) микроқарзлар, юридик шахсларга берилган қисқа муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (берилган санадан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) микрокредитлар, шунингдек микролизинг, факторинг операциялари ва бошқалар.

**Асосий воситалар** – бу моддий активлар бўлиб, фаолият давомидаги хизматлар кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадларда улардан фойланилади. Асосий воситаларга бино, иншоотлар, ускуна ва асбоблар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникалари, транспорт воситалари ва шу каби қирилади.

**Ҳисобланган фоизлар** – активлар бўйича ҳисобланган (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар (микроқарз, микрокредит, микролизинг) бўлган бошқа операциялар бўйича ҳисобланган), лекин ҳали олинмаган фоизлар.

**Бошқа активлар** – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган активлар.

**Мажбуриятлар** – жалб қилинган қарз маблағлари, олинган кредитлар ва лизинг, тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ва солиқлар ҳамда бошқа мажбуриятлар.

**Олинган кредитлар ва лизинг** – банклардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларидан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан, нодавлат нотижорат ташкилотлардан, халқаро молиявий институтлардан, чет эллик инвесторлардан ва бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга) кредитлар, банклар ва бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар.

**Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар** – таъсисчилардан ва бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлари, олинган кредитлар, лизинг ва бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар.

**Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар** – ҳисобланган фойда солиқлари ва бошқа солиқлар, тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар, муддати кечиктирилган солиқлар, ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ва жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар.

**Бошқа мажбуриятлар** – юқоридаги таснифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар.

**Капитал** устав капиталидан, захира капиталидан, тақсимланмаган фойдадан ва ўзлаштирилган грант маблағларидан таркиб топади.

**Устав капитали** таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради.

**Захира капитали** – умумий мақсадлар учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлар, таъсисчилардан текинга олинган мулклар қиймати, асосий воситалар ва номоддий активлар бозор қийматининг сезиларли ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори.

**Тақсимланмаган фойда** – ўтган молиявий йиллардаги фаолият давомида олинган тақсимланмаган фойда (зарар), ҳисобот йили давомида молиявий фаолият натижасида олинган соф фойда (зарар)лар ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар суммаси.

#### **5.1.15-жадвал. Микромолия ташкилотлари фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда микромолия ташкилотлари фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.14-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.16-жадвал. Микромолия ташкилотларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши**

Мазкур жадвалда микромолия ташкилотларининг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.14-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.17-жадвал. Ломбардлар жамланма баланси**

Мазкур жадвалда ломбардларнинг бухгалтерия жамланма баланси, унинг таркиби ҳамда кўрсаткичлари динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.14-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.18-жадвал. Ломбардлар фаолиятининг активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган алоҳида кўрсаткичлари**

Мазкур жадвалда активлар ҳажми бўйича гуруҳлаштирилган ҳолда ломбардлар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.14-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

#### **5.1.19-жадвал. Ломбардларнинг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши**

Мазкур жадвалда ломбардларнинг жами ҳамда устав капиталига оид маълумотларнинг уларнинг миқдори бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолдаги динамикаси кўрсатилган.

Жадвалларнинг кўрсаткичлари бўйича 5.1.14-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

## 5.2. Жалб қилинган маблағлар

### 5.2.1-5.2.7-жадваллар

Мазкур жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахслардан миллий валютада жалб қилинган депозитлар ҳажми ва жами депозитлар қолдиғи динамикаси уларнинг турлари бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

**Депозитлар** – 5.1.2-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

**Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар** – талаб қилиниши биланоқ бериладиган депозитлар. Банк пластик карталаридаги маблағлар (электрон пластик карталаридаги муддатли ва жамғарма депозитлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳисобланади.

**Жамғарма депозитлар** – банк депозити шартномасида белгиланган тартибда дастлабки депозит суммасига қўшимча маблағлар киритиб бориш ҳуқуқи билан муайян шартлар асосида жамғариладиган ва маълум мақсадларга йўналтириладиган депозитлар. Жамғарма депозитлар мақсадли, ютуқли, шартли ва бошқа шартлар белгиланган кўринишларда бўлиши мумкин.

**Муддатли депозитлар** – банк депозити шартномасида белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш шarti билан жалб қилинган депозитлар.

### 5.2.8-5.2.9-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан миллий ва чет эл валютасида жалб қилинган депозитлар бўйича йиллик ҳисобдаги ўртача тортилган фоиз ставкалари кўрсатилган.

Депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир жалб қилинган депозит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами жалб қилинган депозитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

$P_{AV}$  – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

$V_t$  – t-депозит шартномаси бўйича жалб қилинган депозит суммаси;

$P_t$  – t-депозит шартномасида ўрнатилган йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

## 5.3. Ажратилган кредитлар

### 5.3.1-5.3.7-жадваллар

Мазкур жадвалларда тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга миллий ва чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми ва кредитларнинг қолдиқлари динамикаси уларнинг муддатлари, тармоқлар ва мақсадлар бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

### 5.3.8-5.3.9-жадваллар

Ушбу жадвалларда тижорат банклари томонидан миллий ва чет эл валютасида ажратилган кредитлар бўйича йиллик ҳисобдаги ўртача тортилган фоиз ставкалари кўрсатилган.

Миллий валютадаги имтиёзли банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларини ҳисоблашда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаларда ажратилган кредитлар инобатга олинган.

Кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобот даврида ҳар бир ажратилган кредит суммасини унинг йиллик ҳисобдаги фоиз ставкасига кўпайтириш натижалари йиғиндисининг жами ажратилган кредитлар суммасига нисбати орқали аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{AV} = \frac{\sum_{t=1}^n (V_t * P_t)}{\sum_{t=1}^n (V_t)},$$

Бу ерда:

$P_{AV}$  – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

$V_t$  – t-кредит шартномаси бўйича ажратилган кредит суммаси;

$P_t$  – t-кредит шартномасида ўрнатилган йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси.

### 5.3.10-5.3.12-жадваллар

Мазкур жадвалларда кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитларнинг сони ва суммаси динамикаси қарз олувчилар, асосий йўналишлар ва тармоқлар бўйича кўрсатилган.

Жадваллар маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

### 5.3.13-жадвал. Онлавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича ажратилган кредитлар

Мазкур жадвалда онлавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича ажратилган кредитлар сони ва суммаси динамикаси йўналишлар кесимида кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

### 5.3.14-жадвал. Тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар жами суммаси кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

### 5.3.15-жадвал. Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг сони ва суммаси динамикаси кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

### **5.3.16-жадвал. Аҳолига миллий валютада ажратилган кредитлар**

Мазкур жадвалда тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютада ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми динамикаси уларнинг турлари бўйича кўрсатилган.

Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида тайёрланган.

## **VI бўлим. Тўлов тизимига оид асосий кўрсаткичлар**

### **6.1-жадвал. Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар**

Ушбу жадвалда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларга доир маълумотлар акс эттирилган бўлиб, унда тўлов ҳужжатлари турлари бўйича транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банкнинг бошқа тижорат банклари ва Марказий банк билан бўладиган ҳисоб-китоблари уларнинг Марказий банк Тўлов марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, тижорат банклари миллий валютада фақатгина Марказий банкда вакиллик ҳисобварағи очишлари мумкин.

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими мазкур вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

### **6.2-жадвал. Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар**

Мазкур жадвалда Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими жисмоний шахсларнинг тизимга уланган ташкилот ва идоралар фойдасига ўтказиладиган тўловларини реал вақт режимида неттинг тамойили асосида амалга оширишга хизмат қилувчи чакана тўлов тизимидир.

### **6.3-жадвал. Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган транзакциялар**

Мазкур жадвалда Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва суммасининг динамикаси кўрсатилган.

**Тезкор тўловлар тизими** орқали банклараро ҳисоб-китоблар узлуксиз (дам олиш кунларисиз) туну-кун 24/7 режимида онлайн тарзда амалга оширилади.

### **6.4-жадвал. Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси**

Мазкур жадвалда миллий ва чет эл валютасида эмиссия қилинган банк пластик карталари, уларга хизмат кўрсатувчи ўрнатилган тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар сони, шунингдек тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси динамикаси кўрсатилган.

### **6.5-жадвал. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони**

Мазкур жадвалда масофавий банк хизматларидан (интернет-банкнинг ва мобил-банкнинг хизмат турлари ёрдамида банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини бошқариш, USSD-сўров ёрдамида банк пластик карталаридаги маблағларни бошқариш, смс-хабарнома ёрдамида ҳисобварақдаги пул маблағлари ҳаракати ҳақида маълумот олиш) фойдаланувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган.



### **6.6-жадвал. Тўлов тизимлари операторларининг реестри**

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган тўлов тизимлари операторлари реестри келтирилган.

**Тўлов тизими оператори** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

### **6.7-жадвал. Тўлов ташкилотларининг реестри**

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган тўлов ташкилотлари реестри келтирилган.

**Тўлов ташкилоти** – банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс.

### **6.8-жадвал. Электрон пуллар тизимлари реестри**

Мазкур жадвалда Марказий банк томонидан берилган лицензияга эга бўлган электрон пуллар тизимлари операторлари ва эмитентлари реестри келтирилган.

**Электрон пуллар** – электрон пуллар эмитентининг электрон шаклда сақланадиган ҳамда электрон пуллар тизимида тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятлари.

**Электрон пуллар тизимининг оператори** - тегишли лицензияга эга бўлган ва электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ёки бошқа юридик шахс.

Марказий банк ва банклар электрон пулларнинг эмитентидир.